



International Congress on Biological, Physical And Chemical Studies

International Congress on Biological, Physical And Chemical Studies - is an international conference platform under open access policy. The conference is led by international expert members who take an objective approach to peer review, ensuring each research paper is reviewed, edited by authors and evaluated on its own scholarly merits and research integration. Publishing and joining on the proceeding of the International Congress on Biological, Physical And Chemical Studies will exsure publishing experience and indexing possibilities on various global indexing.

Қўл-панжа Бўғимлари Артритида Ультратовуш Текшируви Ва Клиник Кўрсаткичлар Ўртасидаги Боғлиқлик Таҳлили

Облобердиева Парвина Облоберди қизи

Самарқанд давлат тиббиёт университети, Самарқанд, Ўзбекистон

Калит сўзлар: қўл-панжа бўғимлари, артрит, ультратовуш текшируви, корреляция, VAS, HAQ, Power Doppler

Кириш: Қўл-панжа бўғимлари артрити, айниқса ревматоид артрит, сурункали яллиғланиш билан кечувчи ва бўғим структураларининг прогрессив зарарланишига олиб келувчи касалликлар қаторига киради. Касалликнинг клиник кечишида оғриқ, шиш, ҳаракат чекланиши ва функциянинг бузилиши кузатилади. Сўнгги йилларда ультратовуш текшируви (УТТ) бўғимлардаги морфологик ўзгаришларни эрта аниқлаш имкониятини берувчи юқори сезгир усул сифатида кенг қўлланилмоқда. Бироқ УТТда аниқланган ўзгаришлар билан клиник кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш, диагностика ва реабилитацияни оптималлаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

Мақсад: Қўл-панжа бўғимлари артритида ультратовуш текшируви натижалари ва клиник кўрсаткичлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни баҳолаш..

Материал ва тадқиқот усуллари: Тадқиқотга қўл-панжа бўғимлари артрити ташхиси қўйилган 124 нафар бемор жалб этилди. Барча беморларда клиник ва инструментал текширувлар амалга оширилди.

Клиник баҳолашда қуйидаги кўрсаткичлар ўрганилди:

- оғриқ интенсивлиги (VAS шкаласи),
- бўғимларда шиш ва оғриқли нуқталар сони,
- функционал ҳолат (HAQ индекси).

Ультратовуш текшируви юқори частотали чизикли датчик (7–12 МГц) ёрдамида ўтказилиб, синовиал гипертрофия, бўғим бўшлиғида суюқлик, эрозиялар ва Power Doppler сигнали баҳоланди.

Олинган маълумотлар ўртасида корреляцион таҳлил ўтказилди (Pearson коэффиценти),

$p < 0,05$ аҳамиятли деб қабул қилинди.

Натижалар ва муҳокама: Тадқиқот натижаларига кўра, УТТ кўрсаткичлари ва клиник белгилари ўртасида статистик аҳамиятли боғлиқлик аниқланди. Синовиал гипертрофия даражаси билан оғриқ интенсивлиги (VAS) ўртасида ўртача кучли ижобий корреляция ($r=0,62$; $p < 0,05$) қайд этилди. Power Doppler сигнали фаоллиги билан клиник яллиғланиш белгилари ўртасида ҳам ишончли боғлиқлик ($r=0,68$; $p < 0,01$) кузатилди. Шунингдек, УТТда аниқланган эрозив ўзгаришлар функционал ҳолат (HAQ индекси)нинг ёмонлашиши билан боғлиқ эканлиги аниқланди ($r=0,57$; $p < 0,05$). Қизик жиҳати шундаки, клиник жиҳатдан энгил кечаётган ҳолатларда ҳам УТТ орқали яллиғланиш белгилари аниқланган, бу эса усулнинг юқори сезгирлигини тасдиқлайди.

Хулоса: Қўл-панжа бўғимлари артритида ультратовуш текшируви кўрсаткичлари билан клиник параметрлар ўртасида ишончли боғлиқлик мавжуд. УТТ нафақат морфологик ўзгаришларни аниқлаш, балки касаллик фаоллигини баҳолаш ва реабилитация тактикасини танлашда ҳам муҳим диагностик аҳамиятга эга. Комплекс ёндашув (клиник + УТТ) артрит диагностикаси ва даволаш самарадорлигини ошириш имконини беради.